

# ЕР, ТАЖРИБА, ИМКОНИЯТ

## ТОМЧИЛАТИБ СУҒОРИШ БЎЙИЧА ИСРОИЛЛИКЛАР ТЕХНОЛОГИЯСИНИНГ АФЗАЛЛИГИ НИМАДА?

**Яқинда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг бир гуруҳ мутахассислари Андижон вилоятининг қатор хўжаликларида бўлиб қайтишди. Улар, бошқа вилоятларда пахтачиликда қўлланилаётган янгиликларни ҳам чуқур ўрганишди. Қуйидаги мақола шу ҳақда.**

Ўзбекистондаги суғориладиган ҳар гектар майдондан тобора кўпроқ ҳосил олиш ҳаёт тақозосидир. Бу масалани амалда ҳал эта бориш қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини интенсивлаш, илмий-техника тараққиётидан унумли фойдаланиш, суғоришнинг замонавий технологиясини кенг қўлланишга кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Экинларни томчилаб суғориш технологиясини қўлланиш яхши самара беришини ўтказилган тажрибалар яққол кўрсатмоқда. 1992 йилда республикада бу муҳим иш юзасидан дастлабки тадбирлар амалга оширилди. Андижон вилоятидаги «Савай» совхозида томчилаб суғориш бўйича исроилликлар технологияси синалди. Сирдарё вилоятидаги «Малик», Тошкент вилоятидаги «Ўзбекистон беш йиллиги» совхозларида Америкада ишлаб чиқарилган ускуналар ишлатиб кўрилди. «Пахта» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг Оққовоқ тажриба хўжалигида экин Ўзбекистонда тайёрланган ускуналар ёрдамида томчилаб суғорилди.

Энди шу тажрибаларнинг намуна олса арзийдиган натижаларига тўхталсак. Кейинги икки йилда «Савай» совхозида томчилаб суғориш пахта ва бошқа экинлар ҳосилини анча оширди. Исроилдан сотиб олинган замонавий ускуналар бу хўжаликда яхши самара берди. Улар совхознинг тўртинчи бўлимида, шароити турлича бўлган майдонларда ўрнатилди. Майдонларнинг энг каттаси 28, энг кичиги 3 гектарлик эди. Ўрта ҳисобда хўжалик бўйича ҳар бир даланинг ҳажми 14,6 гектарданга тўғри келади. Бундай суғоришнинг ўзига хос хусусияти аввалги усуллардан анча фарқ қилади.

Тажрибанинг дастлабки йилида экин майдонлари кузда чизел билан 60—70 сантиметр чуқурликда юмшатилди. Кейин 30 сантиметр чуқурликда ҳайдалди. Қатор оралари 90, баландлиги 30—35 сантиметрда пушта олинди. Экиш олдидан трефлан гербициди солиниб, пуштанинг устки қисмига ротацион культиватор билан ишлов берилди.

Ғўза 2—3 тадан чинбарг чиқарганда бегона ўтларни йўқотиш учун яна ротацион культиватор юргизилди. Шундан сўнг томчилаб суғориш ускуналари монтаж қилинди. Унинг асосий қисмлари лойқа тўплагичлар, сувни томдирадиган мотор насослари, йирик ва майда кўзли фильтрлар, шунингдек, полиэтилен найчаларидан иборат.

Бундан ташқари сув ўлчагичлар ҳам мана шу жамланмага киради. Улар сарфланаётган сувни аниқ ҳисоблаб боради. Ичаклар қатор ораларига ётқизилди. Ғўзанинг ўсиш даврида, 31 майдан 1 сентябргача 24 марта суғорилди. Ҳар бир суғоришда гектарига 73—270 куб метр атрофида сув сарфланди. Мавсум давомида эса 3226—3700 куб метрга тенг бўлди. Уни одатдаги суғориш технологияси билан солиштирадиган бўлсак, оддий усулда бир марта суғориш нормаси гектарига 700—800 дан 1200—1500 куб метргача боради. Мавсум давомидаги кўрсаткич ўрта ҳисобда гектарига 10—12 минг куб метрни ташкил этади.

Томчилаб суғоришда ғўзанинг бутун ўсиш даврида тупроқ юмшоқ ҳолда бўлади. Бу илдизларнинг ҳаводан баҳраманд бўлишини таъминлайди. Оддий суғориш технологиясида ғўза қатор ораларини сув қўллайди. Бунда ғўза тупининг атрофи лой билан қопланиб, у илдизга ҳавони ўтказмай қўяди. Оқибатда экиннинг ривожланишига салбий таъсир қилиб, ҳосил элементлари тўкилиб кетади. Ғўза атрофини қатқалоқ бўлишидан сақлаш учун уни культивация қилиш чоғида экиннинг майда илдизлари қирқилиб кетиб ўсишига зарар етказилади.

Томчилаб суғоришда мавсум давомида бегона ўтларни йўқотиш учун ҳаммаси бўлиб бир мартагина культивация қилинган, холос. Чеканка ўрнига ғўзага ПИКС препарати билан ишлов берилган, бу эса унинг асосий пояси ва ён шохларининг ўсишини тўхтатади, шунингдек, кўсакларнинг очилиш жараёнини тезлаштиради.

Томчилаб суғоришнинг одатдаги суғоришдан асосий фарқи шундаки, бу усулда далада тракторнинг юриши анча камаяди. Суғоришда жўяк олиш ва тупроқни юмшатишга эҳтиёж бўлмайди. Чунки қатор ораларидаги пуштага ётқизилган полиэтилен найчалардан сув томчилаб тушади ва тўғри ғўзанинг илдизига сингади. Тупроқ юмшоқ ҳолатда туради. Томчилаб суғориш системаси қўлланиладиган участкаларда чигит олдиндан тайёрланган пуштага экилган. Экишдан олдин тупроққа зарур даражада ишлов берилган. Борона қилинган, мола босилган, чигитнинг яхши униб чиқиши учун енгил сув таралган. Ўғит жўяк қирқишдан олдин ерга солинган. Ғўзанинг ўсиш даврида ўғитлар сув билан эритма ҳолида солинади.

Далада тракторнинг юришини тахминан икки марта камайтириш илдиз атрофидаги тупроқ зичлигини анча юмшоқ ҳолда бўлишини таъминлайди. Унинг ҳосил бериш структурасини сақлайди. Пировардида бу ғўзанинг яхши ривожланиши ва ҳосилнинг мўл бўлишига замин яратади.

Совхоз иқтисодчиларининг ҳисоблаб чиқишича, **тажриба яхшигина самара берган. Масалан, экиш олдидан ерга ишлов беришдан 472,09 сўм, экиш пайтида 59,28 сўм, чигит суви беришда 273,52 сўм, ўсиш даврида қатор ораларига ишлов беришда 472,64 сўм, ўғит солишда 133,76 сўм, ўқариқлар олишда ва суғориш билан боғлиқ бошқа ишларни бажаришда 587,44 сўм ва суғоришда 133,10 сўм тежалган. Шу технология шарофати туфайли агротехника ишларида ҳар гектар ҳисобига 2101,83 сўм тежалган. Ғўзани суғориш ва парваришлашда эса барча майдонларда 120 минг сўмга яқин тежалган. Бундан ташқари сув 2—2,5 баравар кам ишлатилган. Оддий усулда гектарига 8000—9000 куб метр сув сарфланган бўлса, томчилаб суғоришда 3500 куб метр кетган, холос.**

Илғор усул деҳқончилик маданиятини анча юксалтиради. Сувчи ва мутахассисларнинг билимини, тажрибасини оширади, Меҳнат интизомини мустаҳкамлайди. Томчилаб суғориш технологиясини тўғри қўллаш ва ундан оқилона фойдаланиш пахта ҳосилдорлигини сезиларли оширади. Унинг шарофати яна шундаки, об-ҳаво жуда ноқулай келган 1991 йилда, айниқса 1992 йилда ҳам ҳосилдорлик гектарига 30—40 центнерга етган, айрим жойларда 40 центнердан ошган. Хўжалик пахта тайёрлаш режасини ошириб бажарди. Бироқ, бу услуб анча эҳтиёткорликни талаб қилади. Ундан фойдаланишда моҳирлик, билимдонлик керак. Томчилаб суғориш ускуналарини ишлатадиган кишилар махсус тайёргарликдан ўтишлари зарур.

Тажриба шуни кўрсатдики, томчилаб суғориш системасининг барча имкониятларини тўла намоён қилиш учун хўжаликда фойдаланилаётган агротехникага муҳим ўзгартиш киритиш лозим. Шу услубда ишлаётган кишилар иш жойида турғун бўлиши, ўзгартирилмаслиги керак. Чунки механизатор, бригадир участка агрономи ҳам шунга ихтисослашиб боради. Бу ўринда ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг энг қулай шакли ер ва техникани шартнома асосида ижарага беришдир.

Йил сайин сув танқислиги сезилаётгани, ирригация эррозияси пайдо бўлаётгани ғўзаларни ва бошқа экинларни томчилаб суғоришни қўллай бориш истиқболли эканлигини яққол кўрсатмоқда. «Савай» совхози раҳбарлари ва мутахассисларининг фикрича, томчилаб суғоришни картошка, помидор, маккажўхори ва алмашлаб экиладиган бошқа экинларда қўллаш мақсадга мувофиқдир. Ускуналар тежаб, эҳтиёт билан ишлатилса у узоқ вақтга чидайди. «Савай» ҳамда Қашқадарё вилоятининг Қарши районидаги Хушвақтов номли совхозларда ўтказилган тажрибалар республиканинг турли минтақаларида шароитга қараб бу усулни илмий асосда жорий этиш лозимлигини кўрсатмоқда. Ана шунда томчилаб суғориш майдонларини кенгайтириб бориш кутилган самарани беради.

Юқори ҳосил оламан деган деҳқон биринчи галда ерга меҳр қўйиши, экин парваришида қулай усуллардан фойдаланиши, тупроқ структурасини сақлаши лозим.

Энди яна бир тажриба ҳақида тўхталиб ўтмоқчимиз. У «Ўзбекистон беш йиллиги» ва «Малик» совхозларида 3,5 гектар майдонда ўтказилди. Бу участкаларда ғўза томчилаб суғорилди. Худди шунча майдонда, тупроқ шароити бир хил бўлган жойда ғўза оддий усулда жўяклар орқали суғорилди. Иккаласининг натижаси бир-биридан фарқ қилди. «Малик» совхозида томчилаб суғориш участкалари 6 марта оби-ҳаётга қондирилиб, ҳар гал ўртача 485 куб метрдан сув сарфланди. Бутун ўсиш даврида ҳар гектар ерга 2.400 кубметр сув кетган. Ҳар гектар майдондан ўрта ҳисобда 29,3 центнердан пахта ҳосили олинди. Жўяк олиб суғорилган участкаларда эса ғўзаларга уч марта сув таралган. Ҳар суғоришда гектарига 1.800 куб метр, бутун ўсиш даврида 4.900 кубметр сув берилган. Ўрта ҳисобда ҳар гектар ердан 22,2 центнердан ҳосил олинган. **Бинобарин, томчилаб суғоришда ҳосилдорлик 32 фоизга ортган, сув сарфи 2,1 марта камайган.**

«Ўзбекистон беш йиллиги» совхозида ҳам шунга ўхшаш натижага эришилди. Бу ерда томчилаб суғорилган участкаларда мавсумда 2.910 кубметр сув берилган ва гектаридан 26,1 центнердан ҳосил кўтарилган. Жўяк олиб суғорилган участкада ўсиш даврида 5.400 кубметр сув сарфланиб, гектаридан 22,9 центнердан ҳосил йиғиштирилган. **Томчилаб суғориш усули қўлланилганда ҳосилдорлик 14 фоиз ортган, сув сарфи эса 1,83 марта камайган.**

«Пахта» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасида ўтказилган тажрибада ҳосилдорлик томчилаб суғоришда гектаридан 36,3 центнер, жўяк олиб суғоришда 31,2 центнер бўлган. Ўсиш даврида томчилаб суғоришда 2.620, жўяк олиб суғоришда 3.820 кубметр сув сарфланган. Томчилаб суғоришда гектар ҳисобига кўриладиган шартли фойда 3.970 сўмни ташкил этган. Шуни эсдан чиқармаслигимиз лозим, ер ҳосилдорлигини ошира бориш учун комплекс тадбирларни қўллаш, жумладан экинлар парваришида интенсив технологиялардан, фан-техника ютуқларидан ўз ўрнида, оқилона фойдаланиш замон тақозосидир.

**А. РАҲМОНОВ,**
**Р. ИСАЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги мутахассислари.**

## ТЕРАК—КЕРАК

**Ҳозир мустақиллик шарофати туфайли кўплаб оилаларга томорқа учун ер майдонлари ажратиб берилди ва берилмоқда. Бу жуда яхши. Лекин қурилиш материалларининг танқислиги ҳамда жуда қимматлиги туфайли кўпчилик кишилар иморат қураолмаяптилар.**

**Бундай ҳол қачонгача давом этади. Олма пиш, оғзимга туш, деб Россиянинг ёғочларига кўз тикиб ўтиравераmизми?! Ахир, қурилишга керакли ёғочнинг маълум қисмини ўзимиз, ўз еримизда ўстирсак бўлмайдими?! Ота-боболаримиз асрлар давомида қурган иморатларининг ҳаммасига ўзга ердан ёғоч келтирмаган-ку!**

**Хўш, юз берган қийинчиликдан чиқишнинг йўли борми? Бор! Бунинг учун иштиёқ, хоҳиш бўлиши керак. Ҳозир ердан унумли фойдаланишда жамоа хўжалиги раҳбарларига жуда катта имкониятлар, эркинликлар берилган. Шунга мувофиқ, ҳар бир хўжаликда имкониятга қараб 10—20 гектар теракзорлар барпо этган маъқул.**

**Ерга қадалган мирзатерак қаламчалари 8—9 йилда иморатбоп бўлиб етишади. Тасаввур қилинг: 1993 йил баҳоридан бошлаб бу иш ҳар бир хўжаликда амалга оширилса, тез орада қишлоқларда теракзорлар қад кўтаради. Жамоа хўжалиги раҳбарлари иморат солувчи ҳар бир оилага арзонроқ нархда 20—25 тупдан терак сотиши мумкин. Қарабсизки, қисқа муддатда ҳозир ҳамма учун энг қийин бўлиб турган муаммо ҳал бўлади...**

Абдухолиқ ТУРСУНБОЕВ.

## ҚАЛОВИНИ ТОПИБ

**Марғилон «Атлас» ишлаб чиқариш бирлашмасида ташкил этилган тикувчилик цехида халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бу ерда тикилаётган чопонлар, кўйлаклар, костюм-юбкалар, болалар учун шимлар, шунингдек бошқа буюмлар харидорларга манзур бўляпти. Энг асосийси улар корхонада ишлаб чиқарилаётган матоларнинг лахтакларидан тайёрланмоқда. Ишни йўлга қўйиш учун бирлашма қарамоғидаги эски бино қўл келди. Бино қайта таъмирлангач 20 та тикув машинаси ўрнатилиб, марғилонлик қизлар ишга жалб этилди. Тикувчилик цехи маҳсулотлари бирлашманинг «Гулномозшом» фирма дўконида пешма-пеш сотилмоқда.**

Р. КАМОЛОВ,
ЎзА мухбири.

## ХОРИЖДАН ХАБАРЛАР

● **Маълумки, уч йил аввал 12 январь куни қардош Туркманистон Республикасида Хотира куни деб эълон қилинган эди. Йилдан-йилга миллий анъаналар силсиласидан ўрин олаётган ушбу маросим мамлакат пойтахти яқинидаги Гўктепа қалъасида Туркман хонлиги мустақиллиги учун жонини фидо қилганлар хотирасига бағишланган. Ўшанда қадим Туркистонни бўйсундиришни давом эттирган рус генераллари беш кун давомида 80 минг така ва 41 минг ёвмут туркманларини қириб ташлаган эди.**

● Бурҳониддин Раббоний бошлиқ Афғонистон Ислом давлати маъмурияти билан Гулбиддин Ҳикматёр саркор «Афғонистон Ислом фирқаси» ўт очишни вақтинча тўхтатиб туришга қарор қилдилар. Кобулда ўтган ҳафта охирларида шаклланган ва изчил фаолият кўрсатаётган тинчлик миссияси вакиллари шаҳодатига асосланиб ушбу хабарни тарқатган Франс пресс ахборот маҳкамаси ҳали томонлар бирор расмий баёнот бермадилар, деб хабар қилади.

● **Ўтган душанба куни кечқурун «Франс-2» телекомпанияси дастурида иштирок этган Франция мудофаа вазири Пьер Жокс Франция бошқа давлатлар билан биргаликда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг собиқ Югославиядаги янги тадбирларида, масалан, Босния ва Герцеговина ҳудудида урушаётган томонлар барпо этган қамоқхоналардан бегуноҳ маҳбусларни озод қилишда иштирок этишга тайёр, деб айтди.**

**Мудофаа вазири ушбу тадбирлар халқаро кучлар томонидан амалга оширилиши зарур ва Франция бошқа мамлакатлар қаватида иштирок этиши керак, деб алоҳида таъкидлади. У Франция ташқи ишлар вазири Ролан Дюманинг якшанба куни «яқин кунларда» Боснидаги маҳбусларни озод қилиш тўғрисидаги баёнотини шарҳлаб берди. Ўшанда ташқи ишлар вазири Франция бу ишга бир ўзи ҳам киришиши мумкин, деб айтган эди.**

● Норвегия шимолидаги Киркенес шаҳрида Баренц денгизида ҳамкорлик қилиш масалаларига бағишланган халқаро конференция иш бошлади. Унда Дания, Исландия, Россия, Норвегия, Швеция ташқи ишлар вазирлари иштирок этмоқда. Ушбу кенгашда минтақадаги экология муаммосини ҳал қилишга йўналтирилган барча тадбирларни мувофиқлаштириш мақсадида Баренц денгизи кенгаши тузилиши кўзда тутилган.

● **«Вашингтон пост» рўзномаси тарқатган хабарларга қараганда, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик Кенгаши қарорига биноан, Самолига киритилган Америка Қўшма Штатлари қўшинлари бу мамлакатда йилнинг охирларигача қолиб кетиши мумкин. Маълумки, президент Жорж Буш қўшинлар 20 январгача Самолидан олиб чиқиб кетилади, деб айтган эди. Самолида тинчлик ва миллий яраш сиёсати ўрнатилишининг қийинчилик билан кечиши халқаро ҳарбий кучларнинг бу мамлакатда узоқ қолиб кетишига сабаб бўлаётир.**

● Тожик қочоқлари ватанга қайта бошлади. Сўнгги кунларда уларнинг миқдори анча ортди. Қочоқларни ўз тадбирлари билан ишонтира бошлаган республика Олий Кенгаши раҳбарияти Афғонистон Ислом давлати билан музокара ўтказиб, барча қочоқларнинг ватанга қайтишини таъминлашга интилмоқда.

● **Бу йил Хитой Халқ Республикасида Мао Цзэдун туғилганига юз йил тўлиши муносабати билан бўладиган тантанани оммавий равишда нишонлашга тайёргарлик ишлари бошлаб юборилди, деб хабар қилади Синхуа ахборот маҳкамаси. Улуғ доҳийнинг таваллуд байрамига бағишлаб анъанавий расм чизиш санъати намуналари ва ҳусни хат намуналари, тақинчоқлар ва ҳайкалчалар мажмуи, шиор ва китоблар гулдастаси тайёрлаш кўзда тутилмоқда. Қисқаси, мамлакат аҳолисининг кўпчилиги доҳий сурати туширилган тақинчоқ тақадиган ёхуд у бир замонлар мутолаа қилишни хуш кўрган китобларни қайта меҳр билан ўқийдиган бўлди.**

● Ҳиндистон Республикаси Покистон Ислом Республикасига мурожаат этиб, ўз элчихонаси ходимларини 150 кишидан 110 одамгача қисқартиришни талаб қилди.

Маълумки, Покистон декабрь ойида Ҳиндистондан Карочи шаҳридаги бош ваколатхонаси ходимларини 64 кишидан 20 одамгача қисқартиришни талаб қилган эди. Сиёсий шарҳловчиларнинг кузатишича, икки мамлакат ўртасида чегара муаммоларининг кундан-кунга чигаллашиб бораётгани ушбу дипломатия норозиликларига сабаб бўлмоқда.

(ЎзА).

## ХУСУСИЙЛАШТИРИШ ДАВОМ ЭТАЯПТИ

Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси республика Президентининг ҳаётбахш фармонларидан баҳраманд бўлаётир. Хусусан уй-жойларни ва давлат тасаррруфидаги корхоналарни хусусийлаштириш ҳақидаги Фармон бунинг ёрқин далилидир. Хўш мазкур фармоннинг бажарилиши жойларда қандай амалга оширилаётир? Бу ҳақда Қашқадарё вилоят давлат мулкини бошқариш ва хусусийлаштириш ҳудудий бошқармасининг бошлиғи Ражаб Хидиров биз билан суҳбатда қуйидагиларни таъкидлади:

— Асосий вазифамиз — давлат тасарруфидаги корхона ва уй-жойларни хусусийлаштиришдан иборат. Бошқармамиз иш бошлаганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Шунга қарамай анчагина ташкилий тадбирларни амалга оширдик.

Ҳозир, айниқса, ишимиз қизғин паллага кирди. Вилоятимиз бўйича 40 мингдан зиёд хусусийлаштириладиган уй-жойлар мавжуд. Бугунгача аҳолидан 7 мингдан ортиқ ариза тушди. Мингдан кўпроқ уй-жойларни хусусийлаштирганлигимиз ҳақида хонадон эгаларига давлат ордери бердик. Хусусийлаштириш Нишон, Қарши ҳамда Шаҳрисабз районларида изчил амалга оширилаётир. Мазкур районлардаги бўлимларда меҳнаткашлар томонидан тушаётган аризалар тезкорлик билан ҳал этилмоқда.

Дарҳақиқат, ҳар бир муштарийда хусусийлаштиришда кимларга имтиёз берилиши кўзда тутилган деган савол туғилиши табиий. Президентимизнинг Фармонига биноан болалар уйларининг тарбиячилари, тиббиёт ходимлари, ўқитувчилар, ижодкор ходимларга уй-жойлар бепул хусусийлаштирилади. Шунингдек, Улуғ Ватан уруши ва Афғон уруши қатнашчилари, ногирон ва туғма ногиронлар, I ва II гуруҳ ишламайдиган ногиронларга, ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оилаларига, кўзи ожиз бўлган I гуруҳ ногиронларга, Чернобиль фалокати оқибатларини тугатишда иштирок этганлар оилаларига, ўндан ортиқ фарзанди бўлган, боқувчисини йўқотган ва уч ва ундан зиёд меҳнатга лаёқатсиз кишилари бор оилаларга, 30—50 йилларда қатағон қилиниб, ҳозирда оқланган кишилари бор бўлган хонадонларга ҳам юқоридаги имтиёзлар берилади.

Шуни ҳам айтиш кераккки, бундан ташқари кам даромадли оилаларга, яшаш шароити оғир бўлганларга ҳам район ҳокимлигининг махсус комиссияси хулосаси билан уй-жойлар бепул хусусийлаштирилади. Хусусийлаштириш учун кўп қаватли уйларда истиқомат қилаётганлар 992 сўм, ҳовлили уй-жойларда яшаётганлар 1408 сўм, 2 қаватли ва 2 оила истиқомат қилаётган коттежларда яшовчилар эса 1699 сўм миқдорида хизмат пули тўлайдилар. Уй-жойларни хусусийлаштирмаган ва хусусийлаштиришни хоҳламаганлар эса, белгиланган миқдорда ижара ҳақи тўлайдилар.

Айрим кишиларда уй-жойларни хусусийлаштиришга кечикмадикми, деган савол туғилиши табиий. Хусусийлаштириш ҳозир ҳам давом этмоқда. Бу ишда Қашқадарё вилоятида лойиҳалаштириш идораларининг малакали мутахасисларидан фойдаланилмоқда. Қишлоқ аҳолисини ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш учун улар яшаб турган давлат тасарруфидаги уй-жойларни хусусийлаштиришда яқиндан кўмаклашилаяпти. Бир сўз билан айтганда уй-жойларни ва давлат тасарруфидаги корхоналарни хусусийлаштириш шу куннинг муҳим воқеаларидан бири. Бу тадбир меҳнаткашлар манфаатини кўзлаган ҳолда олиб борилаётир.

**Ш. СУЛТОНОВ,**
**«Қишлоқ ҳақиқати» мухбири.**

**Шофиркон районидаги Шароф Рашидов номли давлат хўжалигининг барча соҳаларида муваффақиятли натижаларга эришилмоқда. Боиси, бу ерда ижара пудрати яхши йўлга қўйилган. Холиқ Орипов шундай жамоалардан бирига етакчи. У бошлиқ чорвадорлар ўтган йили қарамоғларидаги соғин сигирлардан 120 тоннадан зиёд сут соғиб олишга муваффақ бўлдилар.**

**СУРАТДА: моҳир чорвадор Холиқ Орипов.**

К. КАРИМОВ олган сурат.



## НУРЧИЛАР ҲАЁТИДАН

Ўзбекистон энергетиклари Бекобод шамолига «иш» топиб бердилар. Фарҳод ГЭСи атрофида соатига 16 киловатт-қувватли шамолда ишлайдиган генератор ўрнатилди. Ундан олинадиган электр қуввати қўшни ферманинг ва ГЭС ҳудудини ёритишга, биноларни иситишга етади.

Бу йил шу ерда яна 3 та ана шундай шамол агрегатларини ишга тушириш режалаштирилмоқда. Шамол электростанцияларидан фақат маҳаллий эҳтиёжлар учун фойдаланилмайди.

Шамол электр қурилмасини Уфадаги «Ветроэн» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси ясаган бўлиб, унга генераторни Бишкекдаги оғир машинасозлик заводи ясаб берган. Тошкентдаги «Экоэн» илмий-ишлаб чиқариш маркази генераторни ўрнатди ва ишлатмоқда.

— Энергетикларнинг вазифаси шамол электр станцияларидан фойдаланишда тажриба орттиришдан иборат, — деди «Экоэн» илмий-ишлаб чиқариш марказининг директори В. Белоусов. — Энергиянинг бу манбаи экология жиҳатидан мусаффо, унинг ишлаши учун ёнилғи талаб қилинмайди, қараб туришга ҳам деярли харажат қилинмайди. Агрегатнинг ишлаши учун шамол бўлса бас. Ўзбекистонда халқ хўжалиги учун шамолдан муваффақиятли фойдаланса бўладиган жойлар бор. Оролбўйи, Бухоро вилоятининг айрим районлари ана шундай жойлардир.

Фарҳод ГЭСи теграсида эса энергиянинг янги манбаларини синаб кўриш учун бутун бир синов майдонини барпо этиш режалаштирилмоқда.

* * *

2010 йилгача бўлган давр учун тасдиқланган «Ўзбекистон электр энергетикасини ривожлантириш концепцияси»нинг пировард мақсади республиканинг энергияга тобора ортиб бораётган эҳтиёжини тўла таъминлашдан иборат.

— Илгари Ўзбекистон Ўрта Осиё бирлашган энергия тизими таркибига кирар эди, — деди республика Энергетика ва электрлаштириш вазирлиги техникавий бошқармаси бошлиғи М. Усмонова. — Бир республикада энергия етишмай қолса, шу тизим орқали бошқа республикадан энергия олинар, натижада зарур мувозанат сақлаб турилар эди. Иттифоқ парчаланиб кетгач, вазият ўзгарди, бошқа республикалардан олинадиган энергия камайди, ўзаро ҳақ тўлаш жорий этилди. Энергияни сотиб олиш қимматга тушади, республиканинг ўзида энергия ҳосил қилиш фойдалироқ. Биз шунга асосланиб, тармоқни ривожлантириш истиқболларини белгилаб олдик.

Энергия ҳосил қилишни кўпайтириб, 1992 йилги 52 миллиард киловатт-соатдан 2010 йилда 96 миллиард киловатт-соатга етказиш керак. Бу асосан иссиқлик электр станциялари ҳисобига бўлади. Толимаржон, Янги Ангрен, Тахиатош иссиқлик электростанциялари янада ривожлантирилади, Тошкент ва Фарғонада янги нурхоналар қурилиб ишга туширилади. Сирдарё ва Навоий ГРЭСларини замонавийлаштириш қўшимча энергия беради. Бу нурхоналарда юқори унумли газтурбина қурилмалари ўрнатилади. Писком дарёсининг энергетика ресурсларидан фойдаланиш кўзда тутилган. Кичик гидроэнергетика тикланади — дарёларда ва ариқларда кичик турбиналар ўрнатилади. Энергиянинг бошқа манбалари — қуёш ва шамолдан фойдаланилади.

2010 йилгача Ўзбекистон электр энергетикасини ривожлантириш дастурининг амалга оширилиши ички эҳтиёжларни тўла қоплашдан ташқари ортиқча энергияни қўшни давлатларга сотиш имконини беради.

